

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7452726>

Д.Д.Набиева.

Тошкент молия институтини
ўқитувчиси



ELSEVIER



Received: 15-12-2022

Accepted: 17-12-2022

Published: 22-12-2022

Abstract:

Keywords:

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги иқтисодий ислохотлар даражасида кичик тадбиркорлик фаолияти шакллари барқарор ивожлантириш бўйича бир қатор муҳим саналган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар босқичма – босқич амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида ҳам аграр соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва диверсификациялашни кўллаб-қувватлаш учун тажриба-синов тариқасида инвестициявий дастурларни амалга ошириш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб ўтилган. 2019 йил охирида жаҳон мамлакатларини иқтисодий жиҳатдан қийин ҳолатга туширган пандемия шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири қишлоқ хўжалиги тармоғи бўлганлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида юз бераётган ўзгариш тенденциялари асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини белгилаш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Дастлабки статистик маълумотларга қараганда, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида мамлакатимизда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 317 781,6 млрд. сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда

кўрсатилган хизматлар 307 515,0 млрд. сўмни, ўрмон хўжалиги – 7 581,5 млрд. сўмни, балиқчилик хўжалиги – 2 685,1 млрд. сўмни ташкил қилди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,0 % ни (2020 йилнинг январь-декабрь ойлари мос равишда 2019- йилнинг январь-декабрь ойига нисбатан – 102,9 %), шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 103,9 % (102,9 %)ни, ўрмон хўжалиги – 101,5 % (101,7 %)ни, балиқчилик хўжалиги – 121,4 % (117,9 %)ни ташкил қилди.

2021 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (41206,1 млрд. сўм), Андижон (32030,4 млрд. сўм) ва Тошкент (30712,7 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга ҳудудларга Сирдарё вилояти (10512,0 млрд. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (12339,3 млрд. сўм) ва Навоий вилоятини (15224,5 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин. Юқори ўсиш суръатлари Самарқанд (104,6 %), Сурхондарё (104,6 %), Наманган (104,6) ва Андижон (104,5) вилоятларида қайд этилди. Қашқадарё (102,2 %), Бухоро (103,7 %) ва Фарғона (103,7 %) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (103,7 %) эса аксинча ўсиш суръатлари пастлиги қайд этилди. Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 96,7 % ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткични ҳудудлар бўйича таҳлил қилар эканмиз, жами тармоққа нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг

юқори улушига Жиззах (99,1 %), Қашқадарё (99,1 %), Бухоро (98,1 %) ва Хоразм (98,1 %) вилоятларини келтиришимиз мумкин. 2021-йилнинг январь-декабрь ойларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 302524,9 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 % ни ташкил этди, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 151083,4 млрд. сўмни (103,1 %), чорвачилик маҳсулотлари – 151441,5 млрд. сўмни (104,1 %) ташкил қилди.

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 65,9 % и – деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 29,2 % и – фермер хўжаликларига, 4,9 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг ҳудудлар бўйича хўжалик тоифалари кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди. 2021 йилнинг январь-декабрь ойлари яқунларига кўра, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таркибидаги фермер

хўжалиқларининг улуши бўйича энг юқори кўрсаткич Самарқанд вилоятида (38,0 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларининг энг юқори улуши Навоий вилоятида (75,4 %), қишлоқ хўжалиғи фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг юқори улуши Тошкент вилоятида (12,1 %) кузатилди. Фермер хўжалиқларининг қишлоқ хўжалиғи маҳсулоти таркибидаги улуши бўйича энг кам кўрсаткич Тошкент вилоятида (16,9 %), деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжалиқларининг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (55,1 %), қишлоқ хўжалиғи фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг энг кам улуши Қашқадарё ва Наманган вилоятларида (3,1 %) қайд этилди. Худудлар кесимида деҳқончилик маҳсулотларининг энг юқори ҳажми Самарқанд (21167,8 млрд. сўм), Андижон (19053,5 млрд. сўм) ва Фарғона (15893,5 млрд. сўм) вилоятларида қайд этилди. Аксинча кам ҳажмга эга худудларга Навоий вилояти (4949,3 млрд. сўм) Қорақалпоғистон Республикаси (5365,8 млрд. сўм) ва Сирдарё вилоятини (5513,9 млрд. сўм) келтириб ўтиш мумкин. Юқори ўсиш суръати Наманган (105,2 %), Сурхондарё (105,2 %) Хоразм (104,6 %) ва Самарқанд (104,5 %) вилоятларида қайд этилди. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегиясида ҳам қишлоқ хўжалиғини илмий асосда интенсив ривожлантириш, тупроқ унумдорлиғини ошириш, илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, агросаноат корхоналари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробарга ошириш, агрологистик марказларни ривожлантириш, замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш, уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш, халқаро қишлоқ хўжалиғи университетини ташкил этиш, соҳада илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштириш каби вазифалар белгилаб берилган. Шу сабабли ҳам қишлоқ хўжалиғи тармоғини келгуси даврда ривожлантириш борасидаги стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида юқоридаги таҳлиллар асосида аниқланган ўзгариш тенденцияларини ҳисобга олиниши тармоқни илмий асосланган ҳолда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишини қишлоқ хўжалиғи тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аҳолини озиқ- овқат, қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан таъминлашда, саноат тармоғини хом ашё билан таъминлашда мазкур тармоқ муҳим ўрин тутди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони (<https://lex.uz/>).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

3. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
Статистик тўшам.- Тошкент, ДСҚ. 2022 йил

4. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши.
Статистик тўшам.- Тошкент, ДСҚ. 2022 йил